

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM
VAZIRLIGI
NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDOGOGIKA
UNIVERSITETI
O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI FAKULTETI**

“Himoyaga tavsiya etilsin”
Fakultet dekani
____ f.f.n., dots. I. M. Azimov
“ ____ ” _____ 2013-yil

5141100 – O‘zbek tili va adabiyoti ta’lim yo‘nalishi IV kurs 404-guruh talabasi
Mamatova Yorqinoy Karalovnaning “ Fasl nomlarini ifodalovchi payt otlari”
mavzusida yozilgan

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Ilmiy rahbar:
____ M. Saparniyozova,
O‘zbek tilshunosligi kafedrası
mudiri, f.f.n., dots.

Taqrizchilar:
____ M. Rahmatov,
O‘zbek tilshunosligi kafedrası
f.f.n.v. b.
____ Sh. Nabiyeva,
TTYSI qoshidagi 1-sonli AL
o‘zbek tili va adabiyoti o‘qituvchisi

“Himoyaga tavsiya etilsin”
O‘zbek tilshunosligi
kafedrası mudiri,
f.f.n. _____ M.Saparniyazova
“ ____ ” _____ 2013-yil

TOSHKENT-2013

МУНДАРИЖА:

БМИнинг умумий тавсифи.....2-4

I боб. Фасл номларининг парадигматикаси

- 1.1. Парадигматик муносабат лексик бирликларнинг асосий яшаш шакли сифатида.....5-10
- 1.2. Фасл номлари микрогуруҳида полисемантик парадигмалар.....11-16
- 1.3 Фасл номларининг градуонимик ва антонимик парадигмалари.....17-20
- 1.4. Фасл номларининг гипонимик ва партонимик муносабатлари.....21-27

II боб. Фасл номларининг синтагматикаси

- 2.1. Синтагматик муносабат ва уни белгиловчи омиллар..... ..28-31
- 2.2 Фасл номларининг семантик валентлиги ва лексик контексти.....32-34
- 2.3. Фасл номларининг матн шакллантириш имкониятлари..... 35-37

III боб. Ишнинг амалиётга татбиқи

- 3.1. Таълим босқичлари дастур ва дарсликларида мавзунинг ёритилганлик даражаси.....38
- 3.2. Очiq дарс ишланмаси.....39-43
- Хулоса.....44-46
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати47-50

БМИнинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Миллий истиқлол туфайли ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар илм-фаннинг барча йўналишларида бўлганидек, тилшунослик соҳасида ҳам ўз ифодасин топомқда. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Биз аجدодлардан авлодга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини ошириш устида доимий ишлашимиз зурур”¹.

Президентимиз И. А. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида она тилимизга шундай таъриф берадилар: “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг руҳидир”. Миллатни руҳини таъминлаб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 87.

турган муқаддас тилимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг мазмун моҳиятини тўлиқ очиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Сўнгги йилларда тилни тизим сифатида ўрганиш тил бирликлари ва уларнинг муносабатларини тадқиқ этишда етакчи методлардан бири бўлиб келмоқди. Бу борда жаҳон ва ўзбек тилшунослигида кўплаб илмий-назарий ишлар амалга оширилди ва уларнинг хулосаларидан илмий тадқиқот ишларида самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, тилни системалар системаси сифатида таҳлил қилиш борасида ўзбек тилшунослигида ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Лексик системада ўзига хос парадигмани ҳосил қилувчи “Фасл номлари” микросистемасини монографик планда ўрганилмаганлиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари:

Мақсади: Ўзбек тилида фасл номларини парадигматик ва шу асосда синтагматик муносабатларини атрофлича тадқиқ қилиш.

Вазифалари:

- Фасл номлари микросистемасини белгилаш;
- Фасл номларининг полисемиясини таҳлил қилиш;
- Фасл номларининг градуонимия парадигмаларини аниқлаш;
- Фасл номларининг синонимик муносабатини таҳлил қилиш;
- Фасл номларининг антонимлик муносабатларини ўрганиш;
- Фасл номларининг гиперо-гипонимик муносабатларини ойдинлаштириш;
- Фасл номларининг партонимик муносабатларини ўрганиш;
- Фасл номларининг семантик валентлигини аниқлаш;
- Фасл номларининг матн ҳосил қилиш имкониятларини таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижаларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, шунингдек, олий ўқув йуртларининг бакалаврият ва магистратура босқичларида ўқитиладиган ўзбек тили фани билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаш, бу фанни ўқитишда мазкур тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти – ўзбек тилидаги фасл номлари.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва методлари. Тадқиқотда диалектиканинг умумийлик-хусусийлик, бутун-қисм, имконият-воқелик, сабаб-натижа, моҳият-ҳодиса каби категорияларидан, системология ва системавий тилшуносликнинг замонавий тушунчалари ҳамда кўрсатмаларидан, структурал, қиёсий метод, тавсифий метод, компонент таҳлил методиаридан унумли фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда ўзбек тилида фасл номларининг полисемияси атрофлича таҳлил қилинди. Кўчма маънолар тизими семик таҳлил орқали очиб берилди. Фасл номларининг градуонимик, синонимик парадигмалари, антонимик жуфтлари, гиперо-гипонимик, партонимик муносабатлари ойдинлаштирилди. Фасл номларининг синтагматик муносабатлари уларнинг семантик структураларидаги ўзига хосликлар асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади: а) ишнинг хулоса ва тавсияларидан ўзбек тили семантикаси бўйича олиб борилаётган битирув малакавий ишлар, курс ишлариининг ёзилишида, бошқа лексик миросистемаларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин; б) тадқиқот натижалари ўрта мактаб ва академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган она тили ва ўзбек адабий тили фани дарсларига татбиқ этилиши, танлов фанлари матнларига фактик материал сифатида киритилиши мумкин.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг битирув малакавий ишлар режаси асосида амалга оширилган.

БМИнинг тузилиши: умумий тавсиф, кириш, уч боб, умумий хулосалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

БИРИНЧИ БОБ .

ФАСЛ НОМЛАРИНИНГ ПАРАДИГМАТИКАСИ

1.1. Парадигматик муносабат лексик бирликларнинг асосий яшаш шакли сифатида.

Тил бирликлари инсоннинг когнитив структураларида парадигмаларда мавжуд бўлади ва синтагматик боғланиш учун танлаш имконини беради. Бир сатҳга мансуб бўлган, қиммат жиҳатдан бир хил бирликларнинг маълум умумий белги асосида бир гуруҳга (уяга) бирлашуви парадигматик муносабат саналади. Парадигматик муносабатда бўлган бирликлар учун умумий белги сифатида шу бирликларнинг маъноси ҳам, шакли ҳам хизмат қилиши мумкин. Масалан, *ишчи*, *ишла* лексемалари ўзакнинг умумийлиги билан ўзаро бирлашса, қўшимчалари билан фарқланади. Ёки аксинча, *ишла*, *англа*, *сўзла* сингари лексемалар қўшимчанинг умумийлиги билан бирлашиб,

Ўзакнинг хилма-хиллиги билан фарқланади². Лексик сатҳда айрим лексемалар шаклий ўхшашлик умумий белгиси асосида бир уяни, синфни ташкил этади. Бундай лексемалар муносабати лексик омонимларни ҳосил қилади ёки баъзи лексемалар маъно умумийлиги асосида бир синфга бирлашади. Бундай муносабатда бўлган лексемалар лексик синонимларни ташкил этади. Худди шундай хусусият фонологик сатҳдан юқори бўлган барча сатҳ бирликлари учун ҳосилдир. Масалан, умумий эгалик маъноси асосида барча эгалик шакллари бир уяга бирлашади. Замон маъноси асосида барча замон билдирувчи феъл шакллари бир парадигмага бирлашади. Замон маъноси асосида барча замон билдирувчи феъл шакллари бир парадигмани ҳосил қилади. Шу билан бирга, парадигма ичида худди шундай умумий маъно асосида яна кичик парадигмаларга бирлашиши мумкин. Жумладан, ўтган замон шакллари, келаси замон шакллари каби.

Шундай қилиб, маълум парадигма ўз ичида кичик уяларга бўлиниб, уялар даражаланишини ҳосил қилади. Масалан, *а, э, о, ў, у, и* унлилари муносабати унлилар системасини (парадигмасини) ташкил этиш билан бирга, бу унлиларнинг ҳар қайсиси бевосита кузатишда бир қанча вариантлар орқали юзага чиқади ва вариантлар парадигмасини (системасини) ташкил этади. Лингвистик бирликларнинг уядошлик муносабатини белгилашда кўпроқ маъно умумийлиги белгиси хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, маълум умумий маъно асосида бир парадигмага бирлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган умумий маъно такрорланиши лозим. Ана шу такрорланувчи маъно (сема) ҳар бир аъзони айна шу уяга (парадигмага) бирлаштириш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, уянинг ҳар қайси аъзоси бошқа аъзодан маълум белгиларига кўра фарқланиш хусусиятига ҳам эга. Ана шу фарқланиш белгиси билан уянинг алоҳида бирлиги эканлигини сақлаб туради. Демак, ҳар бир аъзо бирлаштирувчи ва фарқловчи семалар бирлигидан ташкил топади. Бирлаштирувчи сема ҳар бир аъзони маълум мазмуний уяга (парадигмага) бирлашишини, фарқловчи сема эса уя таркибидаги ҳар бир аъзонинг ўзига хослигини, алоҳидалигини кўрсатиб туради. Англашиладики, парадигманинг ҳар бир аъзосида умумийлик ва ўзига хослик диалектикаси амал қилади. Масалан, **-ган, -ди** шакллари ўтган замон семаси билан бир парадигмага киради. Шу билан бирга, уларнинг ҳар иккиси ўзига хос фарқланиш белгисига ҳам эга. Улар ўтган замоннинг нутқ жараёнига нисбатан узоқ ёки яқинлигини ифодалаш жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Биринчиси нисбатан узоқ ўтган замонни, иккинчиси эса яқин ўтган замонни билдиради.

Ҳар бир парадигма система саналади. Шундай экан, тил системаси ўзаро муносабатда бўлган бир қанча парадигмаларнинг бирлигидан иборатдир.

Ҳар бир парадигма аъзолари бир-бири билан зидланиш хусусиятига эга. Зидланиш ҳар қандай нарса ва ҳодисанинг ички тараққиёт негизидир.

² Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилнинг назарий грамматикаси Морфология. –Тошкент, 2001. 10-бет.

Шундай экан, даврлар ўтиши билан парадигма аъзолари ўртасида миқдорий ўзгариш рўй бериши мумкин. Айрим аъзолар эскириб, истеъмолдан чиқиши, янгиси кириб келиши мумкин. Бу эса тил системасининг очик система эканлигини кўрсатади.

Парадигматик муносабат аъзолари имконият тарзида тил эгалари онгида мавжуд бўлади. Ҳар бир парадигма аъзоси бевосита кузатишда, яъни нутқ жараёнида турли нусхаларда, турли хил вариантларда намоён бўлади. Демак, ҳар бир парадигма аъзоси бевосита нутқ жараёнида намоён бўладиган турли хил вариантларнинг умумлашмаси - инварианти саналади.

Парадигма аъзолари нутқ жараёнида ҳар қайси тилнинг муайян қонун-қондаси асосида ҳамда парадигма аъзосининг маъноси доирасида бошқа парадигма аъзосининг варианты билан синтагматик муносабатга киришади. Синтагматик муносабатда муносабатга киришувчи лингвистик бирликлар танланиш хусусиятига эга бўлади, яъни ҳар қандай қиммат жиҳатидан бир хил бўлган лингвистик бирликлар эмас, балки мазмуний мувофиқлашган, маъно тақозо этган икки парадигма аъзоси вариантларигина синтагматик муносабатга киришади. Синтагматик муносабатга парадигма таркибидаги инвариант ўзининг барча вариантлари орқали эмас, балки битта варианты орқали муносабатга киришади. Масалан, *гапирмоқ* лексемаси "бирон фикрни бошқасига товушлар мажмуаси орқали ифода қилмоқ" семаси орқали фақат "шахс" семасига эга бўлган предмет билангина синтагматик муносабатга киришади. *Чайнамоқ* лексемаси:

"маълум бир емишни тиш орқали майдалаш" ёки "резинани тиш орқали эзғилаш";

"ёмонламоқ";

"эзмаланмоқ";

"муайян бир моддани ўрамоқ"

сингари лексик семантик вариантлар умумлашмаси - инварианти саналади. Бу лексик семантик вариантлар алоҳида-алоҳида тарзда синтагматик муносабатга киришадилар ва ҳар қайси лексик семантик вариантларнинг, бир неча парадигма аъзоларининг варианты бўлиб келиши мумкин.

Биринчи семаси билан *емоқ*, *гажимоқ*, *кавшанмоқ* лексемалари билан; иккинчи семаси билан *ёмонламоқ*, *ғийбат қилмоқ* лексемалари билан; учинчи семаси билан *эзмаланмоқ*, *мингирламоқ* сингари лексемалар билан; тўртинчи семаси билан *бурамоқ*, *йўналмоқ* лексемалари билан бир парадигмани ҳосил қилади ва ҳар қайси вариант алоҳида-алоҳида субъект валентлигига эгадир.

Биринчиси, чайнаб озиқланувчи субъект - одам ёки ҳайвон; иккинчиси - одам; учинчиси - одам; тўртинчиси - машина каби субъект валентлигига эга. Нутқий жараёнда ана шу валентликларга эга бўлган лексемалар билан тўлдирилади.

Шундай қилиб, умумлашма, инвариант ҳолатидаги лингвистик бирликлар ҳар қайси семаси орқали бошқа парадигма аъзоси билан синтагматик муносабатга киришади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тили бирликларини система сифатида ўрганишда ҳар қайси парадигма аъзосининг вакабулада, яъни тил системасида, парадигмада ўзаро

пардигматик муносабатини ўрганиш билан биргаликда, ҳар бир парадигма аъзосининг нутқ жараёнида қандай воқеланиши, яъни синтагматик муносабатини ҳам ўрганишга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилида фасл номлари алоҳида монографик планда ўрганилган эмас. М.Ҳакимованинг «Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг мантиқ шакллантириш имкониятлари» номли номзодлик диссертациясида фасл номлари вақт маъноли луғавий тизим таркибида умумий тарзда ўрганилган. Диссертацияда шундай фикрлар келтирилади: «Ўзбек тили барча тиллар каби бевосита вақтни, унинг кўринишлари ва бўлинишларини атовчи *вақт, палла, фурсат, он, замон, кун, тун, соат, баҳор, ёз, якшанба, январь* каби от лексемаларга ва шу билан бирга вақт га алоқадор предмет, воқеа-ҳодисаларни номловчи «тушлик» (туш пайтида ейиладиган таом), «хроника» (тарихий воқеаларнинг вақтий кетма-кетликда ёзилиши), «ойлик» (ҳар ойда олинадиган иш ҳақи), «ҳамаср» (бирор кимса билан бир асрда яшовчи) каби от лексемаларга эга. Бевосита вақтни предмет сифатида номловчи от лексемаларнинг семантик таркибида «вақт» семаси етакчи семалардан бўлиб, мазкур «вақт» семаси вақтни бевосита номловчи от лексемаларда «предмет» категориал грамматик семасидан кейинги мавқедаги лексик-грамматик семадир»³.

Ўзбек тилида фасл номларини ифодаловчи *баҳор, ёз, куз, қиш* лексемалари микрогуруҳи ўхшашлик муносабатлари асосида кичик парадигмаларни ҳосил қилади. Бундай парадигмаларга полисемантик маънолар парадигмаси, синонимик ва даражали қаторлар, антонимик жуфтликлар, гиперо-гипонимик ва партонимик уяларни мисол қилиш мумкин.

Фанимиз бир неча юз йиллар давомида сўзлараро маъновий муносабатлар, асосан, тўрт хил кўриниш – полисемия, омонимия, синонимия, антонимияни тадқиқ этиш билан чегараланиб келди. Тилшунослар узок вақтдан бери сўзлараро маъно муносабатларининг бу тўрт анъанавий кўриниши билан чекланмаслигини таъкидлаб келсаларда, XX асрнинг 70-йилларигача анъанавий маъно муносабатлари чегараларини бузиб, сўзлараро янги хил маъновий муносабат турларини ажратиш, тадқиқ этиш ва фанимизга киритишга ҳеч ким журъат этмади.

Жаҳон тилшунослигида бу чегарани илк бузганлардан бири Жон Лайонз бўлди. Лайонз сўзлараро маъно муносабатлари доирасида янги – тур-жинс муносабатларини ифодаловчи гипонимия ва гипонимик муносабатлар билан боғланган сўзлар сираси, гипонимик луғавий маъно гуруҳ (ЛМГ)лар, гипоним, гипероним тушунча ва атамаларини олиб кирди. Бу атамалар фанимизда тезда оммалашди. Ўзбек тилшунослари бу анъанани давом эттириб, сўзлараро маъно муносабатларининг синонимия, антонимия, полисемиядан ташқари яна кўплаб турлари мавжудлигини таъкидлаган ҳолда

³ Ҳакимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг мантиқ шакллантириш имкониятлари. Филол.фанлари ном... автореф. Фаргона, 2004.

уларнинг гипонимия, градуонимия, партонимия, иерархонимия, функционимия каби турларини ажратдилар⁴. Улардан гипонимия, градуонимия ва партонимия каби кўринишларини амалда асослаб ҳам бердилар⁵.

1.2 Фасл номлари микрогуруҳида полисемантик парадигмалар

Фасл номлари системасини элементи ҳисобланган ҳар бир қисм (фасл номи) кўп маъноли бўлиб, бир қанча семемалар тизимидан иборат.

Баҳор лексемасининг ўзбек тилининг изоҳли луғатида олтига маъноси берилган⁶:

Баҳор 1. Йилдаги тўрт фаслнинг бири, қишдан кейин, ёздан олдин келадиган фасл; кўклам (йилнинг март. Апрель, май ойларига тўғри келади). *Дарё сувини баҳор тоширади, Одам қадрини меҳнат оширади.*

Баҳор 2. Ҳар нарсанинг (умрининг, ҳаётнинг) яшнаган, камолга етган пайти, шундай чоғлар рамзи. *Шу ердадир мардлик, жасорат, Шу ердадир ҳаёт баҳори.* Ё.Мирзо.

Баҳор 3. Умрининг маълум қисми, муддати, ёши. *Бахтли қизим мен ўйлаб боқсам, Икки баҳор кўримди ёшинг.* Ё.Мирзо.

Баҳор 4. Қувонч, шодлик, бахт. *Ишқингда мен баҳорлар топдим, Баҳор ичра наҳорлар топдим.* Ҳ.Олимжон.

Баҳор 5. Севги, муҳаббат, умид. *Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади. Кимдир, кимгадир интизор бўлди.* Ў.Ҳошимов.

Баҳор 6. Севгили, маъшуқа гўзал ёр. *Гуллаган баҳорим сени севаман.* У.Исмоилов.

⁴ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент, 1995,

⁵ Қиличев Б.Э. Ўзбек тилида партонимия. Филол. фан. ном... дис. автореф. -Т., 1997;
Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Филол. фан. ном... дис. автореф. -Т., 1996.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: «Ўзбекситон миллий энциклопедияси», 2006, 5 жилдли, 1-жилд. 195-196-бетлар.

Кўп маъноли лексеманинг лексик маънолари орасида марказий ўринни бош лексик маъно эгаллаши маълум. Бош лексик маъно тўғри белгиланса, унинг семалари аниқ ажратилса, кейинги лексик маънолар ҳам бош маънога қиёсан осон топилади, ҳосила маъноларнинг келиб чиқиши, семалар состави тўғри ҳал қилинади⁷.

Баҳор лексемасининг юқоридаги олти маъносининг мавжудлиги унинг олти семемадан иборат полисемем лексема эканини кўрсатади. Ҳар бир семемани Б1, Б2, Б3, Б4, Б5, Б6 деб шартли белгилаб оламиз ва уларнинг семалар таркибини ўрганиб чиқамиз. Зеро, бир лексемага бирлашувчи ҳар бир семема ўзига хос семалар таркибига эга бўлади, демак, бошқа семемалардан фарқли, алоҳида маъно англатади.

Б1 семемасининг семалар таркибини қуйидагича белгилаб ол-дик: «йил», «фасл», «қишдан кейин», «ёздан олдин», «табиат», «гуллаган», «уйғониш», «давр». Юқорида саналган семаларга асосланиб **Б1** семемасининг қуйидагича таърифни яратиш мумкин: йилнинг қишдан кейин, ёздан олдин келадиган фасли, табиатнинг яшнаган, гуллаган, уйғониш даври. Б1 семемасининг яна ўнлаб семаларини санаш мумкин. Лекин биз асосийларини, семемалар ясалишида асос бўладиган семаларнигина олдик.

Б2 семемаси **Б1** семемасидан лексик маънонинг кенгайиши, конкрет маънонинг мавҳумлашиши асосида ўсиб чиққан. Бунда **Б1** таркибидаги «йил» семасининг маъноси «инсон» семасини талаб қилади. Йил семаси «умр» семасига айлангач, йилга оид «фасл», «табиат», «уйғониш» семалари йўқолади. Баъзилари мавҳумлашиб «инсон» семасига мослашади. Кўриниб турибдики, йил фаслларида бири баҳор инсон умрининг маълум даври ёшликка ўхшатиляпти ва шу асосда ном кўчириляпти. Шундан келиб чиқиб **Б1**даги «қишдан кейин», «ёздан олдин» семаларини **Б2**даги «болаликдан кейин», «ўрта ёшдан олдин» семаларига мослашти-риш мумкин. Бу семалар **Б2**нинг иккинчи даражали семалари бўлиб, семеманинг моҳияти ушбулар билан очилмайди. Демак, **Б2** нинг асосий семалар таркиби қуйидагича бўлади: «инсон», «умр», «яшнаган», «гулгун», «давр». Семеманинг таърифи эса: инсон умрининг яйраган, гулгун даври.

Б3 семемаси **Б2**дан маъно торайиши ҳисобига ўсиб чиққан. **Б3** семемасида **Б2**даги «давр» семасининг маъноси торайиб «бир йил» семасига айланган. **Б3**да «инсон», «умр» семалари сақланган, «яйраган», «гулгун» семалари ташлаб юборилган. **Б3** семемасининг семалар таркиби қуйидагилардан иборат: «инсон», «умр», «бир йил». **Б3** семемасига қуйидагича таъриф берса бўлади: инсон умрининг бир йили.

Б4 семемаси **Б2** семемасидан маъно торайиши асосида ҳосил бўлган. Бунда **Б2**даги «инсон», «яйраган», «гулгун» семалари сақланиб қолади. «Умр» семаси ўрнида «ички дунё» семаси ҳосил бўлади. **Б2**даги «давр»

⁷ Раҳматуллаев Ш. Лексик маънони компонентлаб таҳлил қилиш тажрибасидан//Ўзбек тили ва адабиёти.- 1978.-№4.- Б. 54-60.

семасининг маъноси торайиб «вақт» (пайт) семасига айланади. **Б4** семемасининг семалари: «инсон», «ички дунё», «яшнаган», «гулгун», «вақт (пайт)». **Б4** семемасининг таърифи: инсон ички дунёсининг яйраган, гулгун вақти.

Б5 семемаси **Б4** семемасидан метонимии ясосида ҳосил бўлган. Бунда маъно кўчиш шу тариқа юз берган: инсон ички дунёсининг яйраган вақти ва ушбу ҳолатни юзага келтирувчи туйғу. **Б5** семемасининг семалари: «инсон», «ички дунё», «яшнаган», «гулгун», «севги», «туйғу».

Б6 семемаси **Б5**дан метонимия ҳисобига ўсиб чиққан. У **Б5** семемасидаги туйғуни юзага келтирувчи ёрни ифодаламакда. **Б6** семемасининг семалари: «инсон», «ички дунё», «яшнаган», «гулгун», «севги», «туйғу», «ёр».

Баҳор лексемасининг олти семемасидаги умумий ва фарқловчи семаларни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

N:	баҳор 1	баҳор 2	баҳор 3	баҳор 4	баҳор 5	баҳор 6
1	йил	умр	умр	ички дунё	ички дунё	
2	фасл	-----	-----	-----	-----	
3	қишдан кейин	болаликдан кейин	-----	-----	-----	
4	ёздан олдин	ўрта ёшдан олдин	-----	-----	-----	
5	табиат	-----		-----	-----	
6	яшнаган	яшнаган	-----	яшнаган	яшнаган	
7	гулгун	гулгун	-----	гулгун	гулгун	
8	уйғониш	-----	-----	-----	-----	
9	давр	давр	бир йил	вақт	-----	
10	-----	инсон	инсон	инсон	инсон	инсон
11					туйғу	туйғу
12						ёр

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, *баҳор* лексемасида кўчма маъноларнинг ҳосил бўлиши маънолар пардигмасини шакллантирган.

Ёз лексемасининг маъноларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу лексема ҳам полисемем бўлиб, у икки лексик маънодан иборат. Биринчи лексик маъно *ёз фасли*, *ёз иссиқлари* каби боғ-ланишларда реаллашади. Иккинчи лексик маъно эса *умримиз ёзи* каби боғланишларда ойдинлашади.

Биринчи маъно, яъни **Ёз1** семемасининг семаларини қуйидагича аниқлаш мумкин: «йил», «фасл», «баҳордан кейин», «куздан олдин» «иссиқ». **Ёз1** семемасига шундай таъриф бериш мумкин: йилнинг баҳордан кейин, куздан олдин келадиган энг иссиқ фасли. Ўзбек тили изоҳли луғатида ҳам **Ёз1** семемасига қуйидагича таъриф берилди: «йилнинг баҳор билан куз орасида келувчи энг иссиқ фасли». Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғатида эса ушбу семема «баҳор билан куз орасидаги фасл» деб таърифланади. Бу таъриф **Ёз1**нинг фақат битта қиррасини, унинг чегарасини очиб беради. **Ёз1** семемасининг энг характерли белгиси эса унинг иссиқлигидадир. **Ёз1** семемасига қисқа қилиб «йилнинг энг иссиқ фасли» деб таъриф ҳам бериш мумкин.

Ёз2 семемаси **Ёз1** семемасидан ўсиб чиққан. Ўзбек тилининг 2 томли изоҳли луғатида **Ёз2** семемасига шундай таъриф берилади: «умрнинг энг гуллаган, яхши даври». Ўзбек тилининг 5 жилдли янги изоҳли луғатида эса. **Ёз** лексемасининг 2-маъносига шундай таъриф берилади: Умрнинг энг гуллаган, ёшлик даври. Бизнингча, ёз лексемаси билан ёшлик эмас, умрнинг энг етук, яхши даври номланади. Ўзбек тили эгалари ёшликни ёзга эмас, баҳорга ўхшатадилар.

Ёз2 семемасининг ҳосил бўлиши қуйидаги тараққиётни босиб ўтган: **Ёз1** таркибидаги «йил» семаси «умр» семасига ўтган, «фасл» семаси «давр» семаси билан алмашган, яъни «умр» семасига мослашган. Лекин ном кўчиш, асосан, «иссиқ» семаси асосида юз берган. Бу жараён озгина мураккаброк бўлиб, у **Ёз1** семемасида «иссиқ» лексемасининг ўрганишни талаб қилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «иссиқ» лексемасининг беш маъноси қайд этилиб, 5-кўчма маъноси «кишига хуш ёқадиган, ёқимли» деган маънодир. Демак, бу маънода ижобийлик белгиси бор. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, **Ёз1** таркибидаги «иссиқ» семаси кўчма маъно кашф этган ва шу маънодаги ижобийлик бўёғи билан **Ёз2** семемасига ўтиб янги сема «яхши» семасини ҳосил қилган.

Куз лексемаси ҳам икки маъноли бўлиб, 1-маъноси *кеч кузак, куз фасли* каби боғланишларда ойдинлашади. 2-маъноси эса, *«Ахир ёшлигимиз кетяпти, умр баҳоримиз ўтиб, кузимиз яқинлашиб қоляпти, Хаётхон!»* (М.Исмоилий) каби гапларда аниқлашади. 1-маъно, **куз1** семемасининг семалари қуйидагилардан иборат: «йил», «фасл», «ёздан кейин», «қишдан олдин», «табиат», «хазонрезги». Таърифи эса: йилнинг ёз билан қиш орасидаги хазонрезги фасли.

Куз2 семемаси **Куз1** семемасидан ҳосил бўлган. Бунда **Куз1** таркибидаги «йил» «умр»га, «фасл» «давр»га айланган. **Куз2** семемасига изоҳли луғатда шундай таъриф берилади: «даврнинг, масалан, киши ҳаётининг, умрининг охириги давлари». Бу ерда табиатнинг хазонрезги пайти инсон умрининг қарилик даврига ўхшатишмоқда. Маълумки, дарахт баргларининг сарғайиб тўкилиши, ҳайвонларнинг тулаши, ҳаволарнинг ўзгариши кабилар қариликдаги физиологик ўзгаришларга ўхшайди. Демак, **Куз2** семемасининг семалари қуйидагича бўлади: «умр», «сўнгги», «давр».

Қиш лексемаси бир маъноли, моносемем лексемадир. Унинг маъноси *қиш фасли, қиш чилласи, қиш совуғи* каби боғланишларда реаллашади. Семалар таркиби: йил, фасл, куздан кейин, баҳордан олдин, совуқ. Таърифи эса қуйидагича бўлиши мумкин: йилнинг куздан кейин, баҳордан олдин келадиган энг совуқ фасли.

Хуллас, бир йиллик вақтнинг табиат ўзгаришларига боғлиқ ҳолда тадрижий ўтиш ҳодисаси асосида шаклланган фасл номлари семантикаси муайян миқдордаги бирлаштирувчи ва ажратувчи семалар мажмуасидан иборат бўлиб, ушбу семалардан айримларининг маълум муносабатлардаги боғланишларидан ҳар бир фасл номининг лексик маъноси шакланган. Шунингдек, семаларнинг метафорага, метонимияга боғлиқ имкониятлари

асосида иккиламчи семантик система – кўчма маънолар тизими вужудга келган.

1.2 Фасл номларининг градуонимик ва антонимик парадигмалари

Ўзбек тили луғат бойлигини луғавий маъно гуруҳ (ЛМГ)ларга ажратиш сўзлараро маъновий муносабатларни ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбек тилшунослигида сўзлараро маъновий муносабатлар тушунчаси остида асосан синонимик ва антонимик муносабатлар тушунилар эди. Таъкидлаб ўтганимизки, синонимик, антонимик қаторлар билан бирга маъновий даражаланишга асосланган ЛМГлар мавжудлиги сир бўлмай қолди.

Фасл номлари микрогуруҳи учун характерли муносабатлардан бири градуонимиядир.

Лексик градуонимия лексемаларнинг даражали муносабатидир: *юрмоқ – чопмоқ – югурмоқ – елмоқ – учмоқ*. Градуонимик муносабат ўзбек тилшунослигида О.Бозоров⁸, Ш.Орифжонова⁹, А.Собиров¹⁰ томонидан кенг очиб берилган.

⁸ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Тошкент, «Фан», 1995

⁹ Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Номз. дисс. автореф. Тошкент, 1996.

Градуонимия муносабатида лексемалар ифодалаётган битта белгининг турли даражалари ифодаланади. Бундан, градуонимия белги билдирувчи лексемалараро муносабат деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Даражаланиш ҳосил қилаётган лексемалар таркибида бир белгининг озлик ёки кўплик ҳолатларини акс эттирувчи семалар мавжуд бўлади. Аслида, шу семаларнинг икки ёки ундан ортиқ лексемага ҳослигидан лексемаларнинг даражали қатори келиб чиқади.

Ёз – *куз* – *қиш* қатори «ҳаво ҳароратининг камайиб бориши» белгисининг даражама-даража ошиб бориши натижасида шаклланган. Даражаланиш *ёз* семемасидаги «иссиқ» семаси, *куз* семемасидаги «илиқ» потенциал семаси, *қиш* семемасидаги «совуқ» семаси асосида рўй берган:

«ҳаво ҳароратининг камайиб бориши»

→ →
ЁЗ* – *КУЗ* – *ҚИШ

«иссиқ» – «илиқ» – «совуқ»

Ҳаво ҳароратининг ошиб бориши асосида фасл номлари куйидагича даражали қатор ҳосил қилади. Бунда белги совуқдан иссиққа томон ошиб боради:

«ҳаво ҳароратининг ошиб бориши»

ҚИШ* → *БАҲОР* – *ЁЗ

“совуқ” – “илиқ” – “иссиқ”

Борлиқ билан тил орасида асли ва инъикос муносабати мавжуд экан, аслида (борлиқда) мавжуд бўлган даражаланишларнинг инъикосда (тилда) акс этмай қолмаслиги мумкин эмас. Шундай экан, борлиқ ва тилдаги даражаланишларнинг ўзаро муносабати масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Борлиқ ранг-баранг ва чексиз ўзгариб турувчи нарса, ҳодисалар тизимларидан иборат бўлганлиги учун буларга хос даражаланишлар ҳам ўта хилма-хил ва узлусиздир. Табиатдаги фасллар кўринишидаги узлуксиз ўзгаришлар фасл номлари ўртасидаги градуонимик қаторларда акс этади.

Масалан,

“табиатнинг ривожланиши” белгиси билан ***ҚИШ- БАҲОР – ЁЗ***;

“табиатнинг уйкуга кетиши” белгиси асосида ***ЁЗ – КУЗ – ҚИШ***


“ёғиннинг ортиб бориши” белгиси асосида ***ЁЗ – КУЗ – ҚИШ***;

“намликнинг камайиб бориши” асосида ***ҚИШ – БАҲОР – ЁЗ***;

“меваларнинг етилиши”:
БАҲОР – ЁЗ – КУЗ

каби градуонимик қаторлар фасллар оралиғидаги табиий ўзгаришлар асосида шаклланган.

¹⁰ Собиров А. Ўзбек тили лексикасини система сифатида ўрганиш. – Филол. фан. докт... дис. – Тошлент, 2005. В. 187.



Агар антонимик жуфтлик ифодалаётган маъно ўртасида оралик ходисалар мавжуд бўса, ушбу антонимия муносабати даражаланиш асосида шаклланган дея оламиз. Бунда маъновий даражаланишнинг биринчи ва охириги лексемаларидаги фарқлилик кучайиб энг охирида антонимияга етиб борган: ҳароратнинг ошиб бориши асосидаги даражаланиш: қиш – *баҳор* – *ёз*, қуёш ҳароратининг камайиб бориши асосидаги даражаланиш: *ёз* – *куз* – *қиш*.

1.3. Фасл номларининг гипонимик ва партонимик муносабатлари

Гипонимия лексемалар ўртасидаги жинс-тур муносабатидир. Бу кенг (умумий) тушунчани ифодаловчи ва тор (хусусий) тушунчани ифодаловчи лексемалараро муносабат туридир. Кенг, умумий, жинс тушунчасини ифодаловчи лексема маъноси тор, хусусий, тур тушунчасини ифодаловчи лексема маъносини қамраб олади.

Фасл ва *баҳор* лексемалари гипонимик муносабатда бўлиб, *фасл* умумий, кенг тушунча, *фасл*нинг бир турини англатаётган *баҳор* хусусий, тор тушунча. Демак, *фасл* лексемаси жинс тушунчасини билдириб, у тур тушунчани англатаётган *баҳор* лексемаси билан гипонимик боғланган. Ушбу боғланишда *фасл* гипероним, *баҳор* гипонимдир. Гипонимик қаторлар кўп аъзоли бўлиб, камида икки элементлидир. *Фасл*, *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиш* қаторида *фасл* гипероним, *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиш* гипоним саналади. Бир гиперонимга эга гипонимлар бир-бирига нисбатан эквоним¹¹ дейилади. Масалан, *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиш* бир-бирига нисбатан эса шу қаторда эквоним саналади.

Ўзбек тилшунослигида гипонимик муносабатларнинг ажратилиши ва кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш Роҳатой Сафарованинг илмий тадқиқотлари билан боғлиқ. Ушбу ишда жинс-тур муносабатлари ўзбек тилида илк бор тадқиқ этилди¹².

Дунёдаги бошқа тиллар каби ўзбек тилининг ҳам жинс-тур муносабатини ифодалаш асосида боғланган луғавий бирликлари мавжуд бўлиб, уларнинг сўз бирикмаси воситасида ифодалаш имконияти чекланмагандир. Жинс-тур муносабатлари маҳсулдор моделлар орқали тасвирланади ва худди шу типдаги моделлар билан чегараланади. Шундай моделлардан бири ва энг маҳсулдори [жой номи + III шахс бирликдаги

¹¹Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. –Москва, «Высшая школа», 1968. С. 94.

¹² Сафарова Р. Ўзбек тилида гипонимия. Номз.диис.автореф. Т.: 1987.

эгаллик қўшимчаси]дир. Масалан: *ҳинд чойи, француз атиргули, денгиз карами, денгиз мушуги* ва ҳ. к.

Жинс-тур муносабатларини ифодалашнинг лексик имкониятлари ўзбек тилида маълум луғавий бирликлар ёрдамида ифодаланади.

Жинс-тур муносабати сўз бирикмаси ёрдамида ифодаланса, тур номини ифодалаб келган номинатив бирликлар нутқнинг маҳсули бўлиб, бундай бирликлар тил қурилишида мустақил ўринга эга бўлмайди. Тилнинг лексик-семантик тизимида жинс белгисининг номини ҳамда тур белгисининг номини ифодалаб келган мустақил луғавий бирликларгина мазкур тил қурилишидан мустақил бирликлар сифатида ўрин олади. Бундай луғавий бирликлар алоҳида ўзак морфемага эга бўлиб, тилнинг мустақил бирлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай луғавий бирликларнинг миқдори ҳар бир тилда қатъий равишда белгилаб қўйилган. Маълумки, сўзлар каби сўз бирикмалари ҳам бирор-бир предмет ҳамда воқеа-ҳодисанинг номини ифодалаб келади, яъни номинатив вазифа бажаради: *оқ айиқ, қулоқли бойўғли, кўк кит, букри кит* ва ҳ. к. Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, тилдаги ҳар бир сўз бирикмаси шу тилдаги мустақил луғавий бирликларнинг умумий миқдоридан келиб чиқади. Чунончи, маълум соҳага оид атама ҳамда сўз бирикмаларининг ҳажми шу тилдаги луғавий бирликларнинг умумий миқдоридан келиб чиқади. Масалан, чорвачилик атамалари: *қўй, тоғ қўйи, сигир, тарғил сигир, говмиш сигир* ва ҳ. к.

Шунинг учун ҳам ҳар бир мавзу қаторидан мустақил луғавий бирлик ва сўз бирикмаси номинатив бирлик сифатида бир хил ўрин эгаллайди. Чунончи, ҳайвон номлари мавзу гуруҳидаги барча ҳайвон номларини ифодаловчи сўз бирикмалари ва луғавий бирликлар *балиқ, чўртан балиқ; айиқ. оқайиқ, қораайиқ, ҳимолай айиғи* ҳам бир хил ўрин эгаллайди, яъни бу сўзларнинг барчаси ҳам таркиби қандай бўлишидан қатъий назар, бирор-бир ҳайвон турининг номини атаб келади. Тилнинг лексик-семантик тизимида у ёки бу денотат номининг алоҳида-алоҳида луғавий бирликлар ёрдамида ифодаланиши мазкур сўзлар ифодалаб келган денотатларнинг шу халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, ҳўжалиги, ижтимоий ишлаб чиқаришда қандай аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Чунончи, ўзбек тилининг луғат қатламидан *кенгуру, бегемот, тьюлен, кит, дельфин* сўзларининг ўзбекча ифодасини излаш бефойдадир. Чунки мазкур сўзларни ифодалаб келган денотатлар ўзбек халқининг ҳаёти, маданияти ва турмуш тарзида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун ҳам ўзбек тили бу сўзларнинг ўзбекча ифодасига ҳеч қандай эҳтиёж сезмайди. Айни бир халқнинг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзини, маданий савиясини ўрганишда шу халқ тилидаги луғавий бирликларни, мазкур тилнинг луғат қатламини чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шу маънода у ёки бу тарздаги муносабат турини, шу жумладан, жинс-тур (гипонимик) муносабатларнинг ҳам тилдаги мустацил луғавий бирликлар, шу жумладан, лексемалар ёрдамида ифодаланишини ўрганиш жуда катта амалий ва назарий аҳамиятга эга.

Биз гипонимия ҳамда сўзларнинг гипо-гиперонимик қатори атамалари остида маъносига кўра объектив борлиқдаги жинс-тур муносабатини ифодалашга хизмат қиладиган сўзлар қаторини, лексик парадигмаларни тушунамиз. Сўзларнинг гипонимик қатори:

а) *гипероним*;

б) *гипоним*дан иборат.

Гипероним жинс белгисини билдирган предметнинг номини ифодаловчи кўпгина маъноларни семантик жиҳатдан умумлаштирувчи микротизимнинг марказий сўзн, доминантаси сифатида намоён бўлувчи луғавий бирлиқдир.

Гипоним — маълум жинс турларининг номларини ифодаловчи ҳамда ўзининг семантик таркибида жинс маъносини ифодаловчи сўзни бириктириб келган, семантик жиҳатдан гиперонимга нисбатан бой бўлган луғавий бирлик.

Ўзбек тилидаги худди мана шу гипероним ҳамда гипоним орасидаги семантик ҳамда логик-семантик алоқалар мавжуддир.

Гипоним тушунчаси, семантик-функционал маънода луғавий бирлиқларда ифодаланган мазмун ва белгилар билан характерланади. Бу маъно ва белгилар эса бевосита объектив борлиқдаги умумийлик тушунчаси билан боғлиқдир. Айни бир аниқ тил эгалари онгида гипероним жинс тушунчасини ифодаловчи сўзларнинг аниқ равшан тушунчаларини ифодаловчи луғавий бирлиқлар сифатида намоён бўлади. Масалан: *дарахт* гипероними объектив борлиқда мавжуд бўлган аниқ предмет сифатида худди шу объектив борлиқ ҳодисалари билан боғлангандир. Айни шу *дарахт* сўзида жинс маъносини ифодаловчи сўз сифатида дарахтнинг барча турларини ифодаловчи сўзларнинг мантикий (логик) - семантик жиҳатдан ўзига хос лексик-семантик муносабати асосланган гуруҳ ҳосил бўлади. Шунинг учун *дарахт* сўзи ўзининг алоҳида-алоҳида турини ифодаловчи ҳар бир луғавий бирлик билан алоҳида-алоҳида лексик-семантик алоқага кириша олади. Чунончи: *дарахт*, *қайин* сўзлари орасидаги гипо-гиперонимик алоқа *дарахт* — *ель*, *дарахт* — *қайин* сўзлари орасида ҳам бирдай сақланади. Бу ўринда *дарахт* сўзига нисбатан унинг барча бошқа турларининг номларини ифодаловчи сўзлар ҳам тенг қийматга эга. Тур номини ифодаловчи ҳар бир сўз шу турнинг ўзи мансуб бўлган жинс номини ифодаловчи сўз билан логик-семантик жиҳатдан бирикиб, гипо-гиперонимик парадигмани ҳосил қила олади.

Иккинчи томондан, *дарахт* тушунчаси умуман, бир бутун, аниқ, реал тушунча сифатида *бута* ва *майса* сўзлари билан боғланади. Мана шу қарама-қаршиликда умумийлик тушунчасининг реал, аниқ характерга эга эканлиги ҳақидаги диалектик маълумот яққол намоён бўлади. Бу ўринда *дарахт* гиперонимининг ўзида умумийлик ва хусусийлик тушунчалари орасидаги алоқадорликни кўриш мумкин. *Дарахт* гипероними жинс тушунчасини ифодаловчи сўз сифатида биринчи навбатда шу жинснинг турларини ифодаловчи сўзлар билан боғланади. Тур

тушунчасини ифодаловчи луғавий бирлик ўрнида қўлланиши мумкин. Лекин жинс тушунчасини ифодаловчи сўз гипероним, тур тушунчасининг номини ифодаловчи луғавий бирликлар гипонимлар ўрнида қўлланганда тур маъносини тўлиқ ва аниқ тарзда ифодаламайди. Шунинг учун ҳам бизнинг онгимизда мавжуд бўлган тур тушунчасининг тилда аниқ ифодаланишига эҳтиёж туғилади. Худди мана шу эҳтиёж тур тушунчасининг нутқда аниқ аниқловчиларга (луғавий ифодаларга) эга бўлиши билан белгиланди. *Майса, бута, дарахт* оппозициясида *дарахт* умумий тарзда аниқ луғазий бирликларни мужассамлаштирувчи ягона, реал монолит сўз тарзида намоён бўлади. Тилнинг луғат тизимида гипогиперонимик муносабат асосида боғланган лексик парадигмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг объектив хусусиятга эга эканлиги объектив борлиқдаги умумийлик ва хусусийлик тушунчалари орасидаги алоқадорлик ҳамда мана шу алоқадорликнинг инсон онгида умумийлик ва хусусийлик тушунчаларининг ифодаси сифатида аниқ акс этпиши билан бевосита боғлиқдир. Биз кундалик турмушда ҳар доим ҳам тур тушунчасини нутқда аниқ ифодалашга эҳтиёж сезмаймиз. Аксинча, предметларнинг белгилари ҳақида фикр юритиб, уларни умумлаштирган ҳолда баён қиламиз.

Гипонимик муносабат лексемалар ўртасидаги энг асосий муносабатлардан бири бўлиб, у бутун луғат таркибини қамраб олган. Яъни, барча лексемалар жинс-тур муносабатларини ҳосил қилади. Луғат таркибдаги ҳар бир лексема ўз синонимига, антонимига эга бўлмаслиги, партонимик, градуонимик муносабатлар ҳосил қила олмаслиги мумкин. Лекин барча лексемалар гипонимик муносабатга кириша олади.

Гипонимик муносабат лексемаларни гуруҳлашда катта аҳамият касб этади. Ушбу муносабат асосида лексемалар уяларга, уялар улардан каттарок гуруҳларга, гуруҳлар семантик майдонларга бирлаштирилади.

Партонимия. Партонимия тил бирликлари ўртасидаги бутун ва қисм муносабатидир. Бутун қисмларнинг бирлигидан ташкил топади. Қисм эса бутуннинг таркибий қисми, ташкил этувчи элементиدير. Объектив олам яхлит бутунлик (система) табиатига эга бўлиб, у босқичма-босқич қисмларга ажралади. Бутун олам галактикадан то элементар заррачаларгача бутун-қисм муносабатида бўлади. Оламнинг акси бўлган тилда ҳам бутун-қисм муносабатлари муҳим аҳамият касб этади, тилнинг қисмлардан иборат поғонали тузилишга эга бутунлик эканлигини кўрсатади: матн – гап, гап – сўз бирикмаси, сўз бирикмаси – сўз, сўз – морфема, морфема – фонема. Бутун-қисм муносабатлари гипонимик муносабат билан бирга лексик системанинг яхлитлигини таъминлайди. Объектив оламдаги ҳар бир нарса қисмлардан иборатлиги маълум. Шундан келиб чиқиб, партонимия муносабати уларнинг номи бўлган от лексемаларда кўплаб учрайди. Масалан, *одам, бош, бўйин, тана, оёқ, қўл* лексемалари партонимик муносабат ҳосил қилади. *Одам* бутунлик, *бош, бўйин, тана, оёқ, қўл* – қисм.

Гипонимия ва партонимия объектив оламнинг асосий хусусиятларини акс эттирувчи категориялар бўлса-да, тилда партонимик муносабатга

нисбатан гипонимик муносабат яққолроқ кўринади. Чунончи, тил эгасига чойнакнинг чойнак қорни, бурни, қопқоқ, ва ушлагичдан иборатлиги (партонимия: бутун – чойнак, қисм – қорин, бурун, қопқоқ, ушлагич) эмас, унинг ошхона буюми эканлиги (гипонимия: гипероним – ошхона буюмлари, гипоним - чойнак) муҳимдир. Лексемани таърифлаш ва таснифлаш ҳам гипонимия асосида бажарилади. *Чойнак* – чой тайёрлаш мақсадида сувни қайнатиш ва дамлаш учун ишлатиладиган **ошхона буюми**. У «ошхона буюмлари» лексик семантик гуруҳининг элементиدير.

Лекин айрим лексемаларнинг шаклланишида партонимик муносабат ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Бунга вақт ўлчови отлари лексик-семантик гуруҳини мисол қилиб кўрсатиш мумкин: *секунд, минут, соат, ҳафта, ой, фасл, йил, аср*. Мазкур гуруҳ партонимик муносабатнинг даражаланиши асосида воқе бўлган. Ушбу гуруҳни кичик микросистема деб олсак, у яна тўққизта кичикроқ микросистемалардан иборат: «секунд-минут», «минут-соат», «соат-сутка», «сутка-ҳафта», «ҳафта-ой», «ой-фасл», «ой-йил», «фасл-йил», «йил-аср». Ушбу тўққиз микросистема партонимик муносабат асосида шаклланган. Масалан, «секунд-минут» микросистемасида *секунд* қисм, *минут* бутун, «минут-соат» микросистемасида *минут* қисм, *соат* бутун. *Минут* лексемасига шундай таъриф бериш мумкин: 60 секунддан иборат вақт ўлчови. *Соат* – 60 минутдан иборат вақт ўлчови...

Вақт ўлчови отларида партонимик муносабат, яъни ташкил этувчилик лексеманинг семантик структурасида ҳам яққол кўринади. Бошқача айтганда, лексема маъносининг структураси партонимик муносабат асосида шаклланган. Яъни, *аср йилдан* (*аср-бутун, йил-қисм*,) *йил фаслдан* (*йил-бутун, фасл-қисм*), *фасл ойдан* (*фасл-бутун, ой-қисм*)... ташкил топган ва шу аснода шаклланган. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин:

№	Бутун (семема) / қисм (сема)	ми- нут	соат	сутка	ҳафта	ой	фасл	йил	аср
1	секунд	+							
2	минут		+						
3	соат			+					
4	сутка				+				
5	ҳафта					+			
6	Ой						+	+	
7	фасл							+	
8	йил								+

ИККИНЧИ БОБ

ФАСЛ НОМЛАРИНИНГ СИНТАГМАТИКАСИ

2.1. Синтагматик муносабат ва уни белгиловчи омиллар

Бир сатҳга оид тил бирликларининг маълум ахборот ташиш учун кетма-кет боғланиб келиши синтагматик (қўшничилик, кетма-кетлик) муносабат дейилади. Бир хил сатҳдаги иккита тил бирлигининг синтагматик муносабати натижасида бир поғона юқори сатҳ тил бирлиги ҳосил бўлади. Масалан, *г, у, л* фонемалари кетма-кет боғланиб *гул* морфемасини ташкил қилган бўлса, *гул, -дон, -имиз, -га* морфемалари *гулдониимизга* сўз шаклини, *қизил* ва *олма* сўзлари кетма-кет боғланиб *қизил олма* сўз бирикмасини ҳосил қилган. Шунингдек, содда гаплар сўз бирикмаларининг, қўшма гаплар содда гапларнинг, матн эса содда ёки қўшма гапларнинг синтагматик муносабатларидан ташкил топади. Демак, синтагматик боғланиш ҳам иерарх кўринишга эга экан.

Синтагматик муносабатга киришаётган тил бирликларининг мураккаблик даражаси турлича бўлиши мумкин¹³:

- сўз = ўзак морфема + аффикс морфема;
- сўз бирикмаси = ҳоким бўлак + тобе бўлак;
- эргаш гапли қўшма гап = бош гап + эргаш гап;
- матн = содда гап + қўшма гап.

Ҳар қандай тил бирлиги бошқа тил бирлиги билан тўғридан-тўғри синтагматик муносабатга кириша олмайди. Масалан, ранг ифодаловчи *қизил, яшил, кўк* лексемалари *олма* лексемаси билан синтагматик муносабатга кириша олса (*қизил олма, яшил олма, кўк олма*), *қора, кул ранг* лексемалари эса *олма* лексемаси билан кетма-кет боғлана олмайди: *қора олма, кул ранг олма*. Тил бирликларининг кетма-кет боғлана олиши тилда мавжуд бўлган қоидалар, қолиплар, андозалар асосида юзага келади. Бундай қоида, андозалар тил эгаси бўлган жамият билан боғлиқ бўлиб, тилнинг ҳар бир вакили онгида тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Нутқ жараёнидаги реал бирикма эса ана шу андозалар асосида юзага чиқади. Ҳар бир лисоний бирликнинг бошқа лисоний бирликка боғлана олиш имконияти мавжуд бўлади¹⁴.

Тил бирликларининг, жумладан, лексик бирликларнинг синтагматик муносабатга кириша олиш имконияти эса валентлик дейилади.

¹³ Ҳакимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. Филол.фанлари ном. ..дис. Фаргона, 2004.

¹⁴ Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилнинг назарий грамматикаси Морфология. –Тошкент, 2001. 11-бет.

Валентлик атамаси тилшуносликка кимё фанидан кириб келган. Бу атамани тилшуносликка биринчи марта С.Д.Кацнелсон 1948 йилда ёзган «О грамматической категории» асарида киритган.

Валентлик кимё фанида бир элемент атомининг бошқа элемент атоми билан боғланиш хусусиятини ифодалаш учун қўлланса, тилшуносликда лексеманинг бошқа лексема билан кетма-кет боғланиш имкониятини белгилайди. Валентлиكنинг бир қанча (семантик ва синтактик, фаол ва нофаол, облигатор ва факультатив) турлари мавжуд бўлиб, асосан икки хил турини алоҳида таъкидлаш лозим: семантик валентлик ва синтактик валентлик. Икки тил бирлигининг синтактик шаклланганлик нуктаи назаридан синтагматик боғлана олиш имкониятини синтактик валентлик ифодалаб берса, уларнинг маъновий нуктаи назардан боғлана олиш имконияти эса семантик валентлик дейилади¹⁵.

Валентлик аввало, мазмуний боғланишга асосланади. Синтактик жиҳатдан боғланган сўзлар маъновий нуктаи назардан боғлана олмаслиги мумкин: *чойни емоқ, паловни шимирмоқ* каби.

Семантик валентлик семемаларнинг белгиловчи (асосий) лексик қуршовини белгилаб беради. Маълумки, лексик бирликлараро синтагматик муносабатнинг амалга ошиши, яъни маълум лексеманинг бошқа лексема билан ёнма-ён кела олиши¹⁶ лексик контекст дейилади. Масалан, *оппоқ қор* бирикмасида *оппоқ* лексемаси *қор* лексемасининг, *қор* лексемаси эса *оппоқ* лексемасининг лексик контекстидир.

Лексик контекст, яъни лексик қуршов эркин қуршов ва боғлиқ қуршовга ажратилади. Эркин қуршов шундай қуршовки, унда лексеманинг маъноси мустақил бўлади. У ўзи кетма-кет боғланаётган сўзнинг маъносидан келиб чиқмайди, унга боғлиқ бўлмайди. Кўп маъноли лексемаларнинг бош маъноси доимо эркин қуршов ҳосил қилади. *Бош* лексемасининг «одам ва ҳайвон танасининг бўйнидан юқори қисми»ини англатган бош маъноси миқдоран кўплаб эркин қуршовлар ҳосил қилади. У барча ҳайвон ва одамни ифодаловчи сўзлар билан бирикиб келиши мумкин: *одамнинг боши, қўйнинг боши, онанинг боши, Умиданинг боши...* Ушбу қуршовлар эркин қуршов бўлиб, *бош* лексемасининг «одам ва ҳайвон танасининг бўйнидан юқори қисми» маъноси атрофидаги *одам, қўй, она, Умида* каби лексемаларга боғлиқ эмас. Ушбу маъно синтагматик муносабатга киришгунга қадар мавжуд эди. *Бош* лексемасининг бир қанча маънога эга эканлиги маълум. Лекин *бош* лексемасини якка ҳолда талаффуз қилганда, эшитганда, ўқиганда унинг юқордаги бош маъноси онгимизда намоён бўлади.

Агар маъно муайян қуршовда, яъни санокли сўзлар доирасида воқеалашса, бундай қуршов боғлиқ қуршов дейилади. Маъно шу қуршовга боғлиқ бўлади, ундан ташқарида мавжуд бўлмайди. Масалан, *қаймоқ*

¹⁵ Нурмонов А., Йўлдошев. Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент, 2001. 115-бет.

¹⁶ Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент, 1995. 86-бет

лексемасининг «асосий мазмуни» маъноси фақат боғлиқ қуршовдагина реаллашади. Мазкур маъно *қаймоқ* лексемасининг *гап*, *фикр* каби санокли сўзлар давраида келганда воқеалашади: *гапнинг қаймоғи*, *фикрнинг қаймоғи*¹⁷.

Айтиш жоизки, эмоционал-экспрессивлик жihatдан нейтрал лексемаларнинг синтагматик имкониятлари катта бўлади. Эмоционал-экспрессив лексемаларнинг синтагматик имкониятлари эса чегараланган бўлади. Салбий бўёқдор лексема ижобий бўёқдор лексема билан боғлана олмайди ва аксинча. *Гўзал турқ* ёки, *расво ораз* дейилиши мантиқсизликдир.

2.2 Фасл номларининг семантик валентлиги

Фасл номлари гуруҳидаги **баҳор**, **ёз**, **куз**, **қиш** лексемаларининг лексик контекст ҳосил қилишлари семантик структураси билан боғлиқ. Баҳор лексемасининг семантик валентлигини аниқлаш учун унинг семик таҳлилини амалга ошириш лозим.

Семантик валентликнинг юзага чиқиши учун боғланётган икки семеманинг таркибида бир хил семалар бўлиши лозим.

¹⁷ Ҳакимова М. Семасилогия. Тошкент, 2008. 35-б

Масалан, *баҳор чоғи* боғлашувига асос бўлган умумий семани топиш учун, аввало, иккала семеманинг семик структурасини аниқлаш лозим. *Баҳор*– «**ВАҚТ**», «фасл», «қишдан кейин», «ёздан олдин»; *чоғ* – «**ВАҚТ**», «чегараланган», «белгиланган». Демак, юқоридаги семемаларда «вақт» семаси айнан, умумий бўлиб, у *баҳор чоғи* боғлашуви учун асос бўлган.

Кетма-кет боғланаётган икки семема учун айнан, умумий бўлган сема тилшуносликда классема (синтагмема) дейилади. Маъновий боғланиш ана шу классема асосида амалга ошади.

Маълум семема таркибида нечта асосий сема мавжуд бўлса, ушбу семема ҳар бир семаси асосида турлича маъновий боғланишлар ҳосил қила олади. Яъни, семеманинг ҳар бир семаси классемани вужудга келтира олади. Бунда семема таркибидаги семалар шундай семага эга бўлган семантик майдонга оид лексемалар билан бирикиш имконига эга. Баҳор лексемасининг фасл маъносини семантик валентлигини, яъни қандай боғланишлар ҳосил қила олишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун, аввало, мазкур семеманинг асосий семаларини аниқлаб олишимиз керак:

<i>классема</i>	<i>лексик контекст</i>
Йил фасли	Баҳор фасли, баҳор ойлари, баҳор кунлари, баҳор тонгги,...
қишдан кейин	баҳор келди, баҳор бошланди, баҳорни соғинмоқ, баҳорни кутмоқ, баҳорни қаршиламоқ...
ёздан олдин	баҳорнинг охири, баҳорнинг тугаши, кеч баҳор...
Табиат	баҳор нафаси, баҳор гуллари,...
Яшнаган	Баҳорий кайфият, баҳордек яшнамоқ,...
Гулгун	гўзал баҳор, гул баҳор, ...

Ёз лексемасининг лексик контекстини кўриб чиқамиз:

<i>классема</i>	<i>лексик контекст</i>
Йил фасли	Ёз фасли, ёз ойлари, ёз кунлари,...
иссиқ	Ёз иссиқлари, ёзнинг жазирама кунлари, ёз оташи,...

Куз лексемасининг лексик контексти:

<i>классема</i>	<i>лексик контекст</i>
Йил фасл	куз фасли, куз ойлари, куз кунлари, куз кечалари,...
хазонрезги	Олтин куз, куз
Пишиқчилик даври	Куз мевалари, кузги терим, кузги йиғим, ...

Қиш лексемасининг лексик контексти:

<i>классема</i>	<i>лексик контекст</i>
Йил фасл	Қишр фасли, қиш ойлари, қиш кунлари, ...
совуқ	Қиш совуғи, қишнинг изғирин кунлари, қиш қаҳратони, ...

Семантик боғланган икки семема бир-бири учун белгиловчи лексик контекст саналади. Тилшуносликда белгиловчи лексик контекстга нейтрал лексик контекст зид қўйилади. Белгиловчи лексик контекст классемага асосланса, нейтрал контекстнинг ҳосил бўлиши учун зид сема бўлмаслиги лозим. Масалан, *тун* лексемаси ўзининг асосий семаси ҳисобланган «қоронғи» семаси асосида *тун қоронғиси*, *тун зимистони*, *тун даҳшати* каби белгиловчи лексик контекстлар ҳосил қилади. Лекин *тун* семемаси қуйидагича боғланишлар ҳам ҳосил қилиши мумкин: *тунда келди*, *тунда кўришди*, *тунда ишлади*, *армонли тун* каби. Бу каби нейтрал контекстларда классема мавжуд бўлмаслиги ёки бўлса ҳам, у иккиламчи чет семалар ҳисобига юзага чиқиши мумкин. Белгиловчи контекстда семантик алоқа чуқур бўлади ва у яққол сезилиб туради, нейтрал контекстда эса мазмуний алоқа саёз бўлади. Семантик тадқиқотлар учун, лексема маъносининг моҳиятини очиш учун белгиловчи лексик контекстни ўрганиш аҳамиятлидир.

Агар икки семема таркибида зид семалар мавжуд бўлса, улар кетма-кет боғлана олмайди. *Иссиқ (ҳароратли, қизиган)* ва *қор (ёгин, оқ, совуқ)* лексемаларининг танланган семемаларида зид семалар мавжудлиги учун улар кетма-кет боғлана олмайди. Бу зидлик семалараро эмас, ҳатто семема-сема мақомида кузатилмоқда : *иссиқ (семема)* – *совуқ (сема)*. Лекин, зид семали семемаларнинг синтагматик боғлаш орқали бадий санъат турлари, жумладан, оксюморон ҳосил қилинади: *қор тафти*, *қиш ҳарорати*, *қиш оташи* каби.

2.3. Фасл номларининг матн шакллантириш имкониятлари

Тилшунослик тарихидан яхши маълумки, лингвистика фани дастлабки даврларда филологик тадқиқотлар, яъни бадий ижод маҳсуллари бўлган асарларни талқин этиш жараёнида шакллана бошлаган. Бошқача айтганда, сўз маъноларини изоҳлаш, сўз қўллаш маҳоратини (услубини) аниқлаш, чет сўзларга муносабат, қадимги қўл ёзмаларнинг график хусусиятларига шарҳ

бериш ка-би тилшунослик масалалари бадий матн талқини таркибидан ўрин олган. Адабиётшунослик билан тилшунослик узвий боғлиқликда ва ҳамкорликда иш кўрган. Айтиш мумкинки, даврлар ўта борган сари тилшунослик ўз текшириш майдонини ажратиб, йўналишларини аниқ белгилаб, адабиётшуносликдан узоқлашиб борди. Матн билан боғлиқ масалалар, асосан тилшуносликнинг стилистика соҳаси ихтиёрида қола бошлади. Шундан сўнг тилшуносларнинг асосий диққати матннинг ташкил этувчилари бўлган гап, сўз бирикмаси, морфема, фонема каби бирликларнинг ўзига хос белгилари, моҳияти, бир-бирларига муносабати каби масалаларга қаратила бошланди.

Ҳозирги пайтда тилшуносларнинг эътибори «нутқ-тил-тил бирликлари» йўналишидан (конкретдан абстрактга) «тил бирлик-лари – тил системаси – нутқ» (абстрактдан конкретга) йўналиши томон қаратилмоқда. Тилшуносликдаги бутун муаммоси матн масалаларини долзарбликка кўтармоқда. Шу муносабат билан кўп тилшунослар нафақат гап, балки матн ҳам тилшуносликнинг объекти бўла олади деган қарашни қўллаб-қувватлашмоқда. Албатта, бу фикрга қарши чиқувчилар, яъни матн (бир умумий мазмунга хизмат қилувчи мустақил содда гаплар боғланмаси) тил бирлиги бўла олмайди дейувчилар ҳам кам эмас. Лекин бу ўринда шуниси муҳимки, матннинг гапдан кейинги бутунлик сифатида тадқиқ этилиши ҳозирга қадар алоҳида-алоҳида ўрганилган тил бирликлари моҳиятининг қай даражада ҳақиқатга мос эканлигини текшириб кўришга имкониятлар беради. Матн учун хизмат қилувчи тил бирликларининг табиатини ойдинлаштиради. Матн назарияси айниқса лексик семантик тадқиқотлар учун кенг йўл очади. Бунинг сабаби шуки, матн мазмуни сўз ва фраземалар маъноларининг узвий боғланишлари, ўзгаришлари, мослашишлари, ўзгаришлари, нутқий маъноларининг ҳосил бўлиши натижаларида намоён бўлади. Ушбу омил (матн) асосида ҳар бир луғавий бирликнинг семантик-функционал қўламини, коннотатив маънолари мундарижасини белгилаб олиш имкониятлари туғилади.

Фасл номлари қуйидаги функциялари билан матн шаклланиши учун муҳим аҳамият касб этади: 1) матндаги вақт континууми – воқеа-ҳодисаларнинг изчил, хронологик кетма-кетлигини билдиради; 2) матндаги воқеаларнинг вақтини билдиради. 3) Матн қисмларини (гапларни) боғловчилар бўлиб хизмат қилади.

Баҳор, ёз, куз, қиш лексемалари нафақат ўз маънолари билан, балки кўчма маънолари билан ҳам матн шакллантириш имкониятига эга. Ушбу ҳолатда ҳам фасл номлари матн компонентларини контакт ва дистант алоқа турларида боғлаб, матннинг бир мазмуний бутунлигини таъминлайди:

*Тўлмай туриб юраклар музга,
Узримиз бор муниса **кузга**.
Айтарму дўст дил розин бизга,
Қайтармикан умрим **баҳори**.*

Болалигим орза армоним (қўшиқдан).

Ушбу матн парчасида **куз** ва **баҳор** сўзларининг кўчма маънолари антитеза усулида боғланиб контакт алоқа ҳосил қилмоқда. Қуйидаги шеърий парчада **куз** лексемаси ўзининг бош маъносида дистант алоқани ташкил этмоқда. У лексик такрор йўли билан 1- ва 4- гапларни боғламоқда:

Оғирлашиб борса ҳам дард, азобингиз,

*Хазонпараст **кузнинг** йўлчаларида.*

Сиз шодсиз, бари изтиробингиз

Эрийди ўғлингиз қўлчаларида.

Энтикиб кирасиз: «Келдим, болажон»,

Тугайди ҳар қандай изтироб тўйи.

Қиқирлаганча сизга осилар шодон,

Боладак бегубор Ватаннинг бўйи.

Чарчоқни пальтода илиб қўясиз,

*Фаслнинг **кузлиги** бўлади унут (З.Мўминова).*

Фасл номларининг ўзбек тили эгалари руҳиятида ўзгача талқини мавжуд бўлиб, фасллар инсоннинг турли ёшларига ўхшатилади ва шу нуқтаи назардан йил фаслларига муносабат билдирилади. Масалан, баҳор ёшликка, ёз ўрта ёшга, куз кексаликка ўхшатилгани боис, бадиий адабиётда фаслларнинг мана шундай талқини турли хил кўчимлар, жонлантиришлар асосида ёритилади. Масалан, қуйидаги шеърда Муҳаммад Юсуф кўнгилдаги хираликни кузга ўхшатган:

*Кўнглим айвонида **куз** ҳуштак чалар*

Кўзимдан ёш бўлиб ёғади япроқ.

Дўстларим – такаббур шоирваччалар

Ўзларин севишар ёридан кўпроқ

УЧИНЧИ БОБ

Ишнинг амалиётга татбиқи

3.1.Таълим босқичлари дастур ва дарсликларида мавзунинг ёритилганлик даражаси

Фасл номлари мавзуси умумий ўрта таълим ва академик лицей дарсликлари мавзусида бевосита берилмайди. Фасл номлари ҳақида от сўз туркумининг маъновий гуруҳларини ўрганишда тўхталиш мумкин бўлади. Парадигматик муносабатлар хусусидаги фикрларни умумий ўрта таълимнинг 5-синфида ажратилган ва 6-синфда такрорлашда яна қайтариладиган маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар мавзуларида, академик лицей ва касб-хунар коллеждарининг 10-, 11-дарсларида берилган “Омоним ва синонимлар ҳамда уларнинг услубий хусусиятлари” ва “Антонимлар ва уларнинг услубий хусусиятлари” мавзусида баён қилиш мумкин.

Фасл номларининг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари мавзусини академик лицейларда ўтказиладиган тўғарак машғулотларида ўтказиш мумкин.

Умумий ўрта мактаб ва лицей ва коллежлар дарсликларига градуонимик, партонимик, жинс-тур муносабатлар мавзулари киритилмаган. Мазкур тушунчалар нафақат лисоний тушунчалар, балки бутун олам қурилишида намоён бўладиган универсал ҳодисалар эканлигини ҳисобга олиб, уларни юқоридаги таълим босқичларида ҳам дастурга киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Биз тадқиқот олиб борган мавзу бевосита академик лицей дастури ва дарсликларида акс этмаганлиги сабабли, мазкур тадқиқотнинг натижаларидан фойдаланиш мумкин бўлган энг мақбул мавзу деб антонимия мавзусини танладик ва шу мавзуда очиқ дарс ўтказдик. Ўтказилган очиқ дарсда фасл номлари антонимияси бўйича қилинган таҳлиллар ва материаллар кенг фойдаланилди.

**Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети
403-гуруҳ талабаси Маматова Ёрқинойнинг ЎзДЖТУ қошидаги Учтепа
лицейида 204- гуруҳида ХЎАТ фанидан олиб борган 2 соатлик дарс
ишланмаси**

Фан: ХЎАТ

Гуруҳ: 204

Мавзу: “Антонимлар ва уларнинг услубий хусусиятлари”

Дарс мақсади:

а) таълимий: зид маъноли сўз ва қўшимчалар ҳақида ўқувчиларнинг ўрта умумий таълимдан олган билимларини мустаҳкамлаш, антонимлардан унумли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

б) тарбиявий: ўқувчиларга дўстлик улуғ неъмат эканлигини ўқитириш ва дўстни қадрлашга ўргатиш;

в) ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига оид билим, кўникмаларини ривожлантириш.

Дарс тури: назарий;

Дарс методи: баён қилиш, суҳбат, ақлий ҳужум, тушунчалар изоҳи, тармоқланиш, кластер, кичик гуруҳларда ишлаш

Дарс усули:янги билим берувчи

Дарс жиҳози: дарслик, слайд, тарқатма материаллар

Дарсинг бориши:

I.Ташкилий қисм.

1.Саломлашиш.

2.Давоматни аниқлаш.


3.Хона тозалигига эътибор бериш.

II.Ўтилган мавзунини сўраш. Бунда ўтилган мавзу бўйича слайд орқали тушунчалар изоҳидан фойдаланилади. Ҳар бир гуруҳ учун биттадан тушунча берилади ва тўғри жавоб учун 1 баллдан тақдим этилади:


1. Lugʻaviy sinonimlar nima?	1 ball
2. Sinonimlar qatori (uya) deganda nimani tushunasiz?	1 ball
3. Sinonimlar qatorida qanday soʻz dominanta boʻladi?	1 ball
4. Affixal sinonimiyaga misol keltiring	1 ball
5. Sinonimik qatordagi soʻzlar bir-biri bilan farlanadimi?	1 ball

III.Янги мавзу баёни. Биз бугун “Антонимлар ва уларнинг услубий хусусиятлари” мавзусини ўрганамиз.

Аввало, қандай сўзларга антонимлар дейилишини аниқлаб оламиз. Савол-жавоб. Қоида тушунтирилади: «Ўзаро зид маъноли сўз ва қўшимчалар лар антонимлар дейилади. Сўз мақомидаги антонимлар луғавий (лексик) антонимлар, қўшимча мақомидаги антонимлар эса аффикс антонимлар саналади.



Биз дарсимизда даврий характерга эга бўлган фасл номларининг антонимик муносабатини ўрганамиз.



Bu davriy siklda qarama-qarshi tomonida joylashgan bir-biri bilan zid (issiq-sovuq) belgiga ega **yoz** va **qish** so'zlari antonim bo'la oladi. Siklning qarama-qarshi tomonida joylashgan **kuz** va **bahor** so'zlari zid belgiga ega bo'lmagani uchun antonim bo'la olmaydi.

Нутқимизда лексик антонимлардан фойдаланиш фикримизни таъсирли ифодалашда катта аҳамиятга эга. Айниқса, бадиий адабиётда зид маъноли сўзларни бир-бирига зидлаш асосида бадиий санъат ҳосил қилинади. Бундай санъат тазод санъати дейилади:

*Гаҳе топтим фалакдин **нотавонлиг**.*

*Гаҳе кўрдим замондин **коромонлиг**.*

*Басе **иссиғ-совуқ** кўрдим замонда*

*Басе **аччиғ-чучук** тоттим жаҳонда.*

(Алишер Навоий)


Антонимлардан мақоллар тузишда унумли фойдаланилади.

V. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.

Дарсликдаги 140-машқ ёзма равишда бажарилади. Машқ матнидаги сўзлар синоним ва антонимларга ажратилиб ёзилади.

Дарсда ўқувчилар диққатини тортиш, уларни ижодий фикрлашга ўргатиш учун «ДАВОМИНИ ТОПИНГ» мақол тузиш ўйини амалга оширилади. Бунда слайда намоиш этилган антоним сўзлар иштирок этган мақолларнинг давоми ўқувчилар томонидан топилади.


Davomini toping



- Avval — xesh,
- Boylik murod emas,
- Zimiston ko'rmagan bulbul
- Yaxshidan ot qolar
- Yaxshilik — yog'och boshida,
- Yaxshi bilan etarsan murodga

Олдинги ва бугунги билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида «занжир» методидан фойдаланилади. Бунда ўқитувчи бита қоидаи айтади ва ўқувчи ўқитувчи айтган қоидаи ва яна ўзи билган мазкур фанга оид қоидаи қўшиб айтади. Занжар тарика давом этади. Бу метод ўқувчиларда қиодаларни ёдда тутишга. Хотирани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

“Zanjir” metodi



VI.Ўқувчиларни баҳолаш. Дарсда яхши қатнашган гуруҳ ва унинг аъзолари, фаол қатнашган талабалар турли рангдаги карточкалар ёрдамида баҳоланиб борилади. Дарс якунида баллар жамланади.

VII.Уйга вазифа бериш. Дарсликдаги 141-машқ.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек тилида фасл номларини ифодаловчи *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиш* лексемалари микрогуруҳи ўхшашлик муносабатлари асосида кичик парадигмаларни ҳосил қилади. Бундай парадигмаларга полисемантик маънолар парадигмаси, синонимик ва даражали қаторлар, антонимик жуфтликлар, гиперо-гипонимик ва партонимик уяларни мисол қилиш мумкин.

Фасл номлари системасини элементи ҳисобланган ҳар бир қисм (фасл номи) кўп маъноли бўлиб, бир қанча семемалар тизимидан иборат. *Баҳор*

лексемасининг ўзбек тилининг изоҳли луғатида олтига, *ёз* лексемасининг та, *куз* лексемасининг та, *қиш* лексемасининг та маънолари мавжуд бўлиб, бош ва ҳосила маънолар ҳам ўзига парадигмани ҳосил қилади.

Фасл номлари микрогуруҳи учун характерли муносабатлардан бири градуонимиядир. *Ёз* – *куз* – *қиш* қатори «ҳаво ҳароратининг камайиб бориши» белгисининг даражама-даража ошиб бориши натижасида шаклланган. Даражаланиш *ёз* семемасидаги «иссиқ» семаси, *куз* семемасидаги «илиқ» потенциал семаси, *қиш* семемасидаги «совуқ» семаси асосида рўй берган. Ҳаво ҳароратининг ошиб бориши асосида фасл номлари куйидагича даражали қатор ҳосил қилади. Бунда белги совуқдан иссиққа томон оишб боради: *қиш* – *баҳор* – *ёз*.

Табиатдаги фасллар кўринишидаги узлуксиз ўзгаришлар фасл номлари ўртасидаги градуонимик қаторларда акс этади. Масалан, “табиатнинг ривожланиши” белгиси билан *қиш- баҳор* – *ёз*; “табиатнинг уйқуга кетиши” белгиси асосида *ёз* – *куз* – *қиш*, “ёғиннинг ортиб бориши” белгиси асосида *ёз* – *куз* – *қиш*; “намликнинг камайиб бориши” асосида *қиш* – *баҳор* – *ёз*; “меваларнинг етилиши”: *баҳор* – *ёз* – *куз* каби градуонимик қаторлар фасллар оралиғидаги табиий ўзгаришлар асосида шаклланган.

Фасл номлари микрогуруҳи таркибида синонимия муносабати кўп кузатилмайди. Бу муносабат *баҳор*, *кўклам*, *иликузилди* лексемалари орасидагина воқе бўлади.

Ёз – *куз* – *қиш* градуонимик қаторининг энг чека икки нуқтасини ифодаловчи *ёз* ва *қиш* лексемалари ўзаро антоним бўла олади.

Фасл ва *баҳор* лексемалари гипонимик муносабатда бўлиб, *фасл* умумий, кенг тушунча, *фасл*нинг бир турини англатаётган *баҳор* хусусий, тор тушунча. Демак, *фасл* лексемаси жинс тушунчасини билдириб, у тур тушунчани англатаётган *баҳор* лексемаси билан гипонимик боғланган. Ушбу боғланишда *фасл* гипероним, *баҳор* гипонимдир. Гипонимик қаторлар кўп аъзоли бўлиб, камида икки элементлидир. *Фасл*, *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиш* қаторида *фасл* гипероним, *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиш* гипоним саналади. Бир гиперонимга эга гипонимлар бир-бирига нисбатан эквоним дейилади. Масалан, *баҳор*, *ёз*, *куз*, *қиш* бир-бирига нисбатан эса шу қаторда эквоним саналади.

Вақт ўлчови отларида партонимик муносабат, яъни ташкил этувчилик лексеманинг семантик структурасида ҳам яққол кўринади. Бошқача айтганда, лексема маъносининг структураси партонимик муносабат асосида шаклланган. Яъни, *аср йилдан* (*аср-бутун*, *йил-қисм*,) *йил фаслдан* (*йил-бутун*, *фасл-қисм*), *фасл ойдан* (*фасл-бутун*, *ой-қисм*)... ташкил топган ва шу аснода шаклланган.

Фасл номлари гуруҳидаги **баҳор**, **ёз**, **куз**, **қиш** лексемаларининг лексик контекст ҳосил қилишлари семантик структураси билан боғлиқ.

Фасл номлари куйидаги функциялари билан матн шаклланиши учун муҳим аҳамият касб этади: 1) матндаги вақт континууми – воқеа-ҳодисаларнинг изчил, хронологик кетма-кетлигини билдиради; 2) матндаги воқеаларнинг вақтини билдиради. 3) Матн қисмларини (гапларни) боғловчилар бўлиб хизмат қилади.

Фасл номларининг ўзбек тили эгалари руҳиятида ўзгача талқини мавжуд бўлиб, фасллар инсоннинг турли ёшларига ўхшатилади ва шу нуқтаи назардан йил фаслларига муносабат билдирилади. Масалан, баҳор ёшликка, ёз ўрта ёшга, куз кексаликка ўхшатилгани боис, бадиий адабиётда фаслларнинг мана шундай талқини турли хил кўчимлар, жонлантиришлар асосида ёритилади.

Фасл номларининг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари мавзусини академик лицейларда ўтказиладиган тўғарак машғулотларида ўтказиш мумкин.

Биз тадқиқот олиб борган мавзу бевосита академик лицей дастури ва дарсликларида акс этмаганлиги сабабли, мазкур тадқиқотнинг натижаларидан фойдаланиш мумкин бўлган энг мақбул мавзу деб антонимия мавзусини танладик ва шу мавзуда очиқ дарс ўтказдик. Ўтказилган очиқ дарсда фасл номлари антонимияси бўйича қилинган таҳлиллар ва материаллар кенг фойдаланилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-325 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: Шарқ, 1998. -31 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -173 б.
4. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик макросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989, №6.-Б.35-40.

5. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. Низомий номли ТДПУ босмаҳонаси. 2004 йил.
6. Исабеков Б. Ҳозирги ўзбек тилида лексик антонимия. Филол. фан. номз...дис. – Тошкент, 1973;
7. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Филол.фан.д-ри...дис.-Тошкент , 1999. -259 б.
8. Исмоилов Ж. Шахсли отлар характеристикаси ва уларнинг семантик таркиби // Ўзбек тили ва адабиёти.-1972, №3.-Б.41-46.
9. Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабат: Филол. фан. д-ри дис. -Тошкент, 2001.-248 б.
10. Миртожиев М. Семасиология. –Тошкент, 2010.
11. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили (университетларнинг филология факультетлари учун дарслик).-Тошкент, 2004.-222 б.
12. Муҳамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентик хусусиятлари. Филол.фан.д-ри...дис.-Тошкент, 2007.
13. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1995.-127 б.
14. Неъматов Ҳ, Бозоров О. Тил ва нутқ. -Тошкент, «Ўқитувчи», 1993.
15. Неъматов Ҳ. ва бошқалар. Она тили дарслиги. 6-синф.-Тошкент.: Ўқитувчи, 2001.-190 б.
16. Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. -Москва, «Высшая школа», 1988.
17. Новиков А.А. Семантика русского языка. -Москва: «Высшая школа», 1982.
18. Новиков Л.А., Иванов В.В, Кедайтане Е.И., Тихонов А.Н. Современный русский язык. Теоритический курс. Лексикология. -Москва, «Русский язык», 1987.
19. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар.-Тошкент: Шарқ, 2001.-159 б.
20. Нурмонов А., Маҳмудов Н ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, 1992.
21. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. -Тошкент, 2001.
22. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдишлари ва йўналишлари. Андижон, 2006.
23. Нурмонов А. Тил тизими ва ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1995. “1
24. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол.фан.номз...дис.- Тошкент, 1996.-123 б
25. Подольный Р.Г. Освоение времени. М.: Политиздат,1989.
26. Расулов Р., Нарзиева М. Лексикологияни ўрганиш.-Тошкент: Ўқитувчи, 1992.-23 б.
27. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Тошкент: Университет, 2006.
28. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземалар боғлашуви.- Тошкент: Университет, 1992.-126 б.

29. Раҳматуллаев Ш. Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - 231 б.
30. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. Тошкент: Фан, 1964. -Б. -211.
31. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари.-Тошкент.: Ўқитувчи, 1996.-47 б.
32. Солихўжаева С. Эмоционаликни ифодаловчи воситалар // Ўзбек тили ва адабиёти.-1978, №5.-Б.44-46.
33. Шадманкулова Д.Х. Способы и средства выражения временных отношений в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. -Ташкент, 1990. -23с.
34. Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Грамматик маъно талқини хусусида. Филол. фанлари номзоди дис...автореф. -Самарқанд, 1998, 22 б.
35. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимларнинг лексик-семантик табиати. Филол. фанлари номз... дисс.— Тошкент,1973
36. Ўзбек тили лексикологияси.-Тошкент: Фан, 1981. - 312 б.
37. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. Тошкент:Ўзбекситон миллий энциклопедияси, 2008
38. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1985. 187-б.
39. Қиличев Э. Ўзбек тилида партонимия. -Тошкент: Фан, 1996. -29 б.
40. Қўчқортоев И. Тилнинг луғат системасини ўрганишнинг бир йўли тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти.-1974, №6.-Б.46-50.
41. Қўчқортоев И.Қ. Сўз маъноси ва унинг валентлиги.-Тошкент, Фан, 1977.-166 б.
42. Ҳакимова М. Семасиология. –Тошкент, 2008.
43. Ҳакимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. Филол.фанлари ном... автореф. Фаргона, 2004.
44. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002 йил.
45. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати.-Тошкент: Ўқитувчи, 1974.-307 б.
46. Ҳожиёв А. Феъл.-Тошкент: Фан, 1973.-192 б.
47. Ғуломов Ғ. Феъл. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар.- Тошкент: Фан, 1954.-88 б.
48. Ғуломова Д. Ўзбек тилида антоним сўзларнинг антонимлигини белгилаш мезони//Ўзбек тили ва адабиёти. -1991. -№3. - С. 54-59.
49. [http:// www. yazikoznaniye. ru](http://www.yazikoznaniye.ru).
50. [http: // www. nuu. Uz](http://www.nuu.Uz)